

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЗАМКУЛОВА НОЗИМА ОДИЛЖОНОВНА**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН АЁЛЛАРДА  
ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИНИНГ КЕЧИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
КЛИМАКТЕРИК СИНДРОМНИНГ ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Азамкулова Нозима Одилжоновна**

COVID-19 касаллигини ўтказган аёлларда

перименопауза даврининг кечиши хусусиятлари

ва климактерик синдромнинг даволаш

чораларини оптималлаштириш..... 3

**Азамкулова Нозима Одилжоновна**

Особенности течения перименопаузы и оптимизация

лечения климактерического синдрома у женщин,

перенесших коронавирусную инфекцию..... 27

**Azamkulova Nozima Odiljonovna**

Features of the course of perimenopause and

optimization of treatment of menopausal syndrome

in women who have had coronavirus infection..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЗАМКУЛОВА НОЗИМА ОДИЛЖОНОВНА**

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН АЁЛЛАРДА  
ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИНИНГ КЕЧИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
КЛИМАКТЕРИК СИНДРОМНИНГ ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2342 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий - амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иргашева Севара Уткуровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қаюмова Дилрабо Толмасовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Агабабян Лариса Рубеновна**  
тиббиёт фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С.Надирханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**А.М.Бабаханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**М.Ю. Асатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнги йилларда COVID-19 пандемияси даврида менопауза ёшидаги аёллар (45-60 ёш) орасида касалланиш даражаси 18-25% гача учраган ва 55-60% ҳолатларда касаллик енгил ёки симптомсиз, 30-35% гача ўртача оғирликда, оғир ёки жуда оғир кечиш ҳолатлари 10-15% ни ташкил этган. Шу билан бирга, «... аёллар ўртасида ўлим даражаси 12,6%ни ташкил этган ва ёш аёлларда перименопаузада эстроген даражасининг пасайиши, касалликнинг оғир шакллари сонининг кўпайиши билан боғлиқлиги аниқланган»<sup>1</sup>. Перименопауза даврида климактерик синдром ва унинг асоратларининг кучайиши фақатгина коронавирус инфекциясига боғлиқ бўлмай, балки гормонал мувозанатнинг бузилиши, метаболик касалликлар, марказий асаб тизимининг функционал беқарорлиги, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ва иммунитетнинг пасайишига ҳам боғлиқ бўлади. COVID-19 касалланган перименопауза давридаги аёлларда кутилмаган ўлим ва бошқа асоратларнинг (ўпка артерияларининг ёки мия қон томирларининг тромбоземи, миокард инфаркт, мия қон айланишининг бузилиши, диабетик кома, нефропатия, депрессия ёки оғир психоэмоционал бузилишлар) олдини олиш, уларнинг ривожланишини тахмин қилиш ва коронавирус инфекциясидан кейинги даврнинг салбий натижалари учун янги предикторлар ролини аниқлаш замонавий гинекологик муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда коронавирус касаллигининг оғирлиги жинс фарқларига боғлиқлиги ва эстрогенларнинг коронавирусуга қарши ҳимоячи эканлигини кўрсатувчи масалалар бўйича бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада климактерик синдромнинг даражасига қараб климактерия шкаллари мониторингини ўтказиш, касалликнинг оғирлик даражасига қараб COVID-19 билан касалланган перименопауза давридаги аёлларда гемостазиологик, метаболик, липид кўрсаткичлари бузилишларнинг турини ва коморбид ҳолатини баҳолаш, менопаузал гормонал терапияга қарши кўрсатмалар бўлган ҳолатларда, туғри алтернатив даво танлаш, гемостазиологик асоратларни камайтириш, менопауза давридаги аёлларнинг ушбу контингентда гинекологик асоратларнинг частотасини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун самарали воситага айлантириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

---

<sup>1</sup> Garg R., Agrawal P., Gautam A. COVID-19 Outcomes in Postmenopausal and Perimenopausal Females: Is Estrogen Hormone Attributing to Gender Differences? Available from: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC7978057/>.

яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бевосита COVID-19 касаллигини бошдан кечирган аёлларда перименопауза даврининг асоратларини олдини олиш, шунингдек климактерик синдромнинг даволаш чораларини оптималлаштириш ва профилактик чора-тадбирлар протоколини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 20 июндаги ПҚ-197-сон «Маъмурий ислохотлар доираси ва соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги хорижий тадқиқотлар таҳлили, бугунги кунда беморларнинг ёши ва жинсига қараб шунингдек бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив ҳужжатлар COVID-19 нинг оғирлиги муаммоси бўйича янги маълумотлар олинди ва бу гинекологик тактикани қайта кўриб чиқишни талаб қилади. COVID-19 билан касалланган перименопауза даврида кузатилган аёлларда климактерик синдромнинг асоратлар хавфини баҳолашда гинекологик тактикасини тўғри танлаш жуда муҳим ҳисобланади. Адабиётларга кўра, менопаузадаги гормонал ўзгаришлар, хусусан, эстроген даражасининг пасайиши, иммун жавобнинг ўзгаришига ва яллиғланишнинг кучайишига олиб келиши мумкинлиги сабабли, бу гуруҳда COVID-19 оғирроқ кечиши кузатилади. Репродуктив ёшдаги аёлларда худди шу ёшдаги эркакларга қараганда COVID-19 касаллигининг оғирлиги камроқ ва яхши натижаларга эга эканлигини кўрсатади (Динг Т., 2020). Постменопаузал аёллар ва бир хил ёшдаги эркаклар солиштиришда бу фарқ йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу, эҳтимол, аёл жинсий гормонларининг, айниқса яллиғланишга қарши цитокинларнинг фаолиятини тартибга солиш орқали ҳимоя таъсирига эга эстрадиолнинг муҳим роли билан боғлиқ бўлиши мумкин. Худди шу фикрга италиялик тадқиқотчилар ҳам қўшилишади, улар репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 касаллигининг кечиши енгил бўлган ва эркакларга қараганда енгилроқ ўтказишганлиги, COVID-19 дан кейин ҳайз циклида ўзгаришларни борлиги, улар ўзига хос иммунитет реакцияси ва яллиғланиш

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

билан боғлиқлигига олиб келиши мумкин. Адабиётларга кўра, кўп ҳолларда Хитойлик тадқиқотчиларнинг маълумотларида, COVID-19 билан оғриган беморлар ва соғлом беморлар ўртасида жинсий гормон концентрациясидаги фарқларни аниқланмади ва ҳайз ўзгаришларининг табиатини таҳлил қилиш ҳайз қон йўқотишининг циклилиги ва ҳажмида сезиларли ўзгаришларни аниқланмади (Ли К., 2020). Бир қатор тадқиқотларга кўра Россия федерацияси тадқиқотчилари COVID-19 вакцинасининг аёлларнинг репродуктив саломатлигига таъсири (Довган А. А., 2022), коронавирус инфекцияси билан ҳомиладорлик даври (Денисюк Н. Е., 2023), шунингдек, COVID-19 нинг гемостаз тизимига таъсири (Некаева Е. С., 2022) ва бошқа асоратлар хавфини камайтиради.

Ўзбекистонда перименопаузал ёшдаги аёлларни бошқариш муаммолари (Қаюмова Д. Т., 2020), коронавирус инфекциясининг ҳомиладорлик жараёнига таъсирини (Дўстова Н. К., Ихтиярова Г. А. 2022), шунингдек, репродуктив ёшдаги аёлларда гипоталамо-гипофизар тухумдон тизими ҳолатини коронавирус инфекциясини ўтказганлар (Меҳманова С. У., 2023) тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, эстроген етишмовчилигининг кучайиши фонида ўтган коронавирус инфекциясининг оқибатлари ва соғлиқ ҳолатининг сабаби ўзаро таъсири масаласи республикада ўрганилмаган. Шундай қилиб, коронавирус билан касалланган перименопауза давридаги аёлларда климактерик синдромни баҳолаш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТД-10 «Тиббиётда мавжуд бўлган усул ва технологияларни яратиш ва такомиллаштириш асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» (2021-2024 йй.), № ППИ-10 «Касалликнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг янги технологиялари ва усулларини ривожлантириш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекциясидан кейин аёлларда ҳаёт сифатини баҳолаш ва перименопаузал касалликларни даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

коронавирус инфекцияси билан касалланиб ўтган аёлларни перименопауза жараёнининг хусусиятларини ва климактерик синдромнинг клиник намоён бўлиш шакллариини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

COVID-19 дан кейин перименопаузал аёлларда бир қатор гормонал, метаболик кўрсаткичлар, шунингдек гемостаз тизимининг кўрсаткичларини баҳолаш;

менопаузал гормонал терапиянинг самарадорлигини ва COVID-19 дан кейинги аёлларда перименопаузал касалликларни даволашда маҳаллий фитоэксдистероиддан фойдаланиш имкониятини баҳолаш;

коронавирус инфекциясидан кейин перименопауза даврида климактерик синдром билан оғриган аёлларни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2022-2024 йиллар давомида коронавирус инфекциясини юқтирган ва № 1 ва 2 Зангиота давлат ихтисослаштирилган шифохоналарида ўрта-оғир ва оғир шаклда COVID-19дан даволанган перименопауза давридаги 96 аёл, шунингдек коронавирус инфекцияси бўлмаган худди шу ёшдаги 50 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўрта-оғир ва оғир шаклда COVID-19дан даволанган перименопауза давридаги беморлар учун анкеталар, кўрикдан ўтказилган аёлларнинг периферик қон зардоби, клиник ва лаборатория баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун гинекологик, биокимёвий, гормонал, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба ўрта оғир ва оғир даражада COVID-19 ўтказган аёлларнинг саломатлик ҳолати ҳамда перименопауза даврининг хусусиятлари аниқланган;

ўрта оғир ва оғир даражада COVID-19 билан касалланган беморлардаги клиник белгиларни аниқловчи С-реактив оқсил миқдори ҳамда умумий модификацияланган менопауза индекси қиймати ўртасида корреляцион боғлиқликлиги статистик жиҳатдан юқорилиги исботланган;

ўрта оғир ва оғир даражали COVID-19 ўтказган беморларда ҳамроҳ касалликлар сабабли, гемостазда гиперкоагуляция ҳолати юзага келиши хавфи туфайли менопаузал гормонал терапияни қўллашга қарши чекловлар борлиги исботланган;

илк маротаба маҳаллий фитоэксдистероид ўрта оғир ва оғир даражада COVID-19 билан касалланган беморларда климактерик синдромда алтернатив даво сифатида фойдаланиш имконияти асосланган ва бу менопауза синдромининг ўртача даражада камайтириши, С-реактив оқсил қийматларини нормаллаштириши ва гемостаз тизимининг параметрларига таъсир қилмаслиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган даъво чораларининг жорий этилиши коронавирус инфекциясини кечирган перименопаузал даврдаги аёлларда климактерик синдром терапиясини назорат қилиш тамойиллари бўйича алгоритм ишлаб чиқишига ва альтернатив даъво сифатида маҳаллий фитоэксдистероидлардан фойдаланиш, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтириши аниқланган;

коронавирус инфекциясини ўтказган аёлларда перименопаузал бузилишларни даволашда фитоэксдистероид ўзининг клиник самарадорлигини намоён этиши, даволаш натижасида умумий менопаузал индекс коэффиценти, шунингдек, унинг алоҳида кўрсаткичлари — вазомотор ва психо-эмоционал белгиларида гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан ишончли камайиши аниқланган;

лаборатория натижалари динамикасида С-реактив оқсил ва гипогликемик кўрсаткичлар даражаларида ишончли равишда аҳамиятли камайиш аниқланган;

фитоэкидстероидлар гемостаз тизими ва липид профилига салбий таъсир кўрсатмасдан, тромбоемболик асоратларнинг олдини олишда ёрдам бериши асосланган;

ушбу натижалар коронавирус инфекциясини ўтказган, перименопауза давридаги климактерик синдромдан азият чекувчи ҳамда менопаузал гормонал терапия учун қарши кўрсатмаларга эга бўлган беморлар учун фитоэкидстероидни самарали альтернатив даволаш усули сифатида қўллаш имконияти асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи инструментал, биокимёвий, гормонал, статистик усуллар билан тадқиқот натижаларининг аниқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилиниши, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коронавирус инфекциясидан кейин климактерик синдромнинг оғир шакллари ривожланиши, бу тегишли даволаниш чора-тадбирларини талаб қилиниши ва кузатилиши мумкин бўлган асоратларини олдини олишга имкон бериши билан изоҳланади.

Ўрта-оғир ва оғир даражада COVID-19 билан касалланган перименопаузал беморлар, биринчи навбатда, юқори коморбид фон туфайли менопаузал гормонал терапияга қарши кўрсатмаларнинг юқори фоизига эга эканлиги, терапиянинг альтернатив усули сифатида фитоэкидстероиддан фойдаланиш имконияти бу даврда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19дан кейин перименопаузал аёлларда климактерик синдромни даволаш учун диагностика алгоритми, шу жумладан муқобил терапия варианти таклиф қилинганлиги ва синовдан ўтказилганлиги, бу ўз навбатида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Коронавирус инфекциясидан кейин аёлларда ҳаёт сифатини баҳолаш ва перименопаузал касалликларни даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк маротаба ўрта оғир ва оғир даражада COVID-19 ўтказган аёлларнинг саломатлик ҳолати ҳамда перименопауза даврининг хусусиятлари комплекс баҳоланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2023 йил 18 декабрда 16у-т/9–сон билан тасдиқланган «Алгоритм ведения женщин с перименопаузальными нарушениями после перенесенного COVID-19» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.03.2024 йилдаги 307-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.03.2024

йилдаги 284-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/47-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* коронавирус инфекциясидан кейинги перименопаузал аёлларда климактерик синдромнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлаш диагностика хатоликларини минималлаштиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келган, индивидуал ёндашув ва ҳар бир бемор учун тўғри терапевтик тактикани танлаш мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 880000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 1500000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 950000 сўмни ташкил этади) COVID-19 дан кейин перименопаузада климактерик синдромнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашнинг алгоритмини жорий этиш юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* COVID-19 билан касалланган беморлардаги клиник белгиларни аниқловчи С-реактив оксил миқдори ҳамда умумий модификацияланган менопауза индекси қиймати ўртасида корреляцион боғлиқликнинг юқорилиги статистик жиҳатдан аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 18 декабрда 16у-т/9–сон билан тасдиқланган «Алгоритм ведения женщин с перименопаузальными нарушениями после перенесенного COVID-19» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.03.2024 йилдаги 307-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.03.2024 йилдаги 284-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/47-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* перименопаузал касалликларни эрта аниқлаш такрорий аномал қон кетишининг олдини олиб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 880000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 1500000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 950000 сўмни ташкил этади) COVID-19 дан кейин перименопаузада климактерик синдромнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашнинг алгоритмини жорий этиш юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* ўрта оғир ва оғир даражали COVID-19 ўтказган беморларда ноқулай коморбид фони орқали юзага келувчи гемостаз хавфи сабабли менопаузал гормонал терапияни қўллашга қарши чекловлар борлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 18 декабрда 16у-т/9–сон билан тасдиқланган «Алгоритм ведения женщин с перименопаузальными нарушениями после перенесенного

COVID-19» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.03.2024 йилдаги 307-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.03.2024 йилдаги 284-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/47-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* татбиқ қилинган фитоэкдистероидлардан фойдаланиш афзаллиги, коронавирус инфекциясини ўтказган беморларнинг текширувларида гемостаз ва липидлар профилига таъсир кўрсатилмаслиги бўлиб, С-реактив оқсилнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келди ва даволаш харажатларини камайтиришга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 880000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 1500000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 950000 сўмни ташкил этади) COVID-19 дан кейин перименопаузада климактерик синдромнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашнинг алгоритмини жорий этиш юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* илк мартаба маҳаллий фитоэкдистероидни COVID-19 билан касалланган беморларда климактерик синдром учун альтернатив даъво сифатида фойдаланиш имконияти илмий жихатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Эксперт комиссияси томонидан 2024 йил 18 декабрда 16у-т/9–сон билан тасдиқланган «Алгоритм ведения женщин с перименопаузальными нарушениями после перенесенного COVID-19» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиали бўйича 02.03.2024 йилдаги 307-сон ҳамда Қашқадарё вилояти Муборак туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 01.03.2024 йилдаги 284-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/47-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* трансдермал менопаузал гормонал терапия COVID-19 дан кейин перименопаузал аёлларда хавфсиз ва самарали эканлиги, айниқса ҳаёт сифати, нейровегетатив ва психо-эмоционал симптомлар, ҳамроҳ касалликлари, юрак-қон томир касалликлари хавфи билан боғлиқ гемостаз кўрсаткичларни баҳолашда аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш ва лаборатория текширувларига сарфланадиган жами 880000 сўм бюджет маблағлари (прейскурант бўйича бир нафар беморни даволаш нархи 1500000 сўм ва лаборатория текширувлари нархи 950000 сўмни ташкил этади) COVID-19 дан кейин перименопаузада климактерик синдромнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашнинг алгоритмини жорий этиш юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш кунларини камайтириш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияда 15 та жадвал ва 9 та расм келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 86 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга талаб борлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти ва мавзуси ифодаланади, Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига ўзлаштирилган тадқиқотларга мувофиқлигини кўрсатади, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамиятини белгилайди, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди. Шунингдек, ўтказилган ўқув натижаларининг бажарилишини таъминлаш, ишнинг натижаларини тасдиқлаш ва нашр этиш, диссертациялар тузилиши бўйича ҳам маълумот тақдим этилади.

Диссертациясининг **«Перименопауза ва янги коронавирус инфекцияси: муаммонинг замонавий кўриниши»** деб номланган биринчи бобида халқаро тадқиқот базаларидан олинган илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда адабиётлар таҳлили келтирилган. Илмий адабиётлар бўйича тақдим этилган шарҳ перименопаузал даврда коронавирус инфекциясининг аёлларнинг репродуктив тизимига таъсирини ўрганишнинг долзарблигини тасдиқлайди, COVID-19 билан оғриган перименопаузал беморларни даволаш хусусиятларининг батафсил таҳлилинини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида перименопаузал аёллар саломатлигига боғлиқ қатор тадқиқотлар ўтказилди. Бугунги кунда COVID-19 пайтида ва ундан кейинги даврда менопауза синдроми бўлган беморларни бошқариш бўйича маълумотлар йўқлиги кўрсатилган. Перименопаузал аёлларда гормонал препаратларни қўллаш бўйича аниқ кўрсатмаларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар организмнинг вирусли инфекцияларга чидамлилигини ошириш, шунингдек, улар учун муҳим ҳаёт циклида аёллар ҳаётини нормаллаштириш каби соҳаларда ёрдам бериши керак. Ушбу иш COVID-19 дан кейинги яқин келажакда перименопаузал аёлларда гормонал терапияни қўллаш бўйича кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларга бағишланган.

Диссертациясининг **«Клиник материал ва тадқиқот усулларининг характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув келтирилган. Бўлимда текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва текшириш усуллари келтирилган. 45 ёшдан 54 ёшгача бўлган 146 аёл ўз текшируви натижалари клиник ва статистик таҳлил қилинди. Уларнинг 96 нафари (асосий гуруҳ) коронавирус инфекциясини

юқтирган ва № 1 ва 2-Зангиата давлат ихтисослаштирилган шифохоналарида даволанган ва кейинчалик ушбу тадқиқотда иштирок этиш учун таклиф қилинган. COVID-19 бўлмаган 50 аёл назорат гуруҳини ташкил қилди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида, муассаса маъмуриятидан рухсат олгач, тиббий ҳужжатларнинг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Дастлабки текширув санаси касалхонада ётганидан камида 12 ва 16 ҳафтадан кўп бўлмаган эди. Таққослаш гуруҳларидаги беморларнинг ўртача ёши бир хил бўлиб,  $48,82 \pm 0,27$  ва  $48,68 \pm 0,36$  ёшни ташкил этди.

Асосий босқичдаги тадқиқотга киритиш мезонлари: 45-54 ёш оралиғи (физиологик перименопауза даври), 1 ойдан 6 ойгача бўлган муддат учун ўрта-оғир ва оғир COVID-19 тарихи серологик текширилган, тадқиқотда қатнашиш учун аёлнинг розилиғи.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари: коронавирус инфекциясидан олдин менопаузал гормон терапиясини (МГТ) ёки комбинацияланган оғиз контрацептивларини (КОК) қабул қиладиган аёллар, эрта тухумдон этишмовчилиғи бўлган аёллар, ҳозирги ёки ўтмишдаги саратон касаллиғи.

Беморларни текшириш анамнестик маълумотларни тўплаш, клиник ва лаборатория тадқиқот усулларини ўз ичига олган. Умумий клиник тадқиқот усуллари текширув, умумий ва гинекологик текширув, антропометрия билан ифодаланади. Барча беморлар МГТ дан фойдаланишга қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиғи ёки йўқлиғини, шунингдек уларни муқобил дорилар билан алмаштириш имкониятини аниқлаш учун лаборатория текширувидан ўтказилди. Лаборатория тадқиқот усуллари гормонал ва биокимёвий тадқиқотлар билан ифодаланади, даволашдан олдин ва терапия фонида Д-димер қўшилган гемостазиограмма амалга оширилди. Инструментал текшириш усуллари (тос аъзолари ва сут безларининг ултратовуш) ўтказилди, зарурат туғилганда эса тегишли профил бўйича мутахассислар консултацияси ўтказилди.

Тадқиқотлар натижаларига қараб, ҳар бир беморга тадқиқот дизайнига мувофиқ даволаш усули таклиф қилинди. Ҳар бир даволаниш турининг хавф-хатарлари ва фойдалари тушунтирилди ва оптимал бошқарув алгоритми танланди.

II босқичда қуйидаги клиник гуруҳларда климактерик синдром терапиясининг турли усулларини қиёсий баҳолаш ўтказилди: I гуруҳ (31 аёллар) МГТ 10 мг дидрогестерон оғиз орқали секвестрал режимда 1,58 мг эстрадиол гемигидратни ўз ичига олган трансдермал препаратнинг бир қисми сифатида қабул қилинди. II гуруҳ (27 аёл) - маҳаллий ишлаб чиқарилган фитоэкдистероид - адаптоген билан, таркибида гормон бўлмаган терапия қабул қилинди. III гуруҳ (18 аёл) - таққослаш гуруҳи КС учун специфик терапия олмаган, аммо клиник ва лаборатория кузатувида рози бўлган беморлардан иборат эди.

Даволаш натижалари 3 ойдан сўнг қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланди: - Клиник самарадорлик (1. Шкала Грина бўйича КС симптомларининг ўзгаришини баҳолаш; 2. Купперман-Уварова шкаласи бўйича менопауза индексини баҳолаш); - Лаборатория текширувлари натижаларига кўра самарадорлик: даволашдан олдин ва кейин С-реактив оқсил концентрацияси билан баҳоланади, углевод метаболизми маълумотлари (оч қоринга глюкоза, инсулин) ва липидограмма.

Диссертациясининг «COVID-19 дан кейин перименопаузал аёлларнинг клиник ва анамнестик хусусиятлари ва ҳаёт сифатини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида перименопаузал аёлларнинг коронавирус инфекцияси фонида клиник ва биокимёвий, гормонал ва гемостазиологик хусусиятларини тавсифлашга бағишланган.

Анамнестик маълумотларнинг қиёсий баҳоси ўтказилди. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги бўйича тадқиқот жараёнида биз ҳайз функциясининг шаклланиш хусусиятларини, ҳомиладорлик сони ва уларнинг натижаларини, COVID-19 дан олдинги ва кейинги ҳайз циклининг мунтазамлигини ўрганиб чиқдик.

Ҳайз функцияси бўйича анамнестик маълумотларни ўрганиш натижасида таққосланаётган гуруҳ иштирокчиларининг кўпчилигида менархе 13-14 ёшда пайдо бўлганлиги аниқланди. Кўпгина беморларда ҳайз цикли даври менархе пайтидан бошлаб белгиланган, тадқиқот гуруҳларида олиго-аменорея бузилиши эпизодлари 7,3 ва 6,0% ни ташкил қилди. Тадқиқот кўрсаткичлари ҳайз ва репродуктив функцияларнинг анамнестик маълумотлари дисменорея билан касалланиш бундан мустасно, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқламади, унинг мавжудлиги кўпинча тадқиқот гуруҳи беморлари томонидан кўрсатилди.

#### 1-жадвал

**Тадқиқот гуруҳлари аёлларида касалликдан олдин ва кейин ҳайз цикли ўзгаришларини қиёсий баҳолаш (STRAW+10 мезонларига мувофиқ)**

Кўрсаткичлар		Абс/%			
		Асосий гуруҳ n=96		Назорат гуруҳи n=50	
		Касалликдан олдин	Касалликдан кейин	Текширувдан олдин	Текширув вактида
Ҳайз даври оралиғи, кун	7 кун ва ундан ортиқ ўзгаришлар билан сақланиб қолган ҳайз даврлари	61 (63,5)	29 (30,2)*	36 (64)	31 (62)
	Аменорея ↑ 60 кун ёки ундан кўп	35 (36,5)	67 (69,8)*	14 (28)	19 (38)

Эслатма: \* - касалликдан олдин ва кейин урганилаётган гуруҳдаги фарқларнинг аҳамияти ( $p < 0,05$ )

Тадқиқот кўрсаткичлари ҳайз ва репродуктив функцияларнинг анамнестик маълумотлари дисменорея билан касалланиш бундан мустасно, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқламади, унинг мавжудлиги кўпинча тадқиқот гуруҳи беморлари томонидан кўрсатилди.

Солиштирилган гуруҳлардаги беморларда гинекологик касалликларнинг аксарияти деярли тенг частотада аниқланди.

Касалликдан олдин асосий гуруҳ беморларида ҳайз цикли 63,5% да мунтазам бўлган (61), ҳайз давомийлиги эса ўртача 5-7 кунни ташкил этган. Касаллик пайтида ва ундан кейин беморларнинг 69,8% (67) ҳайз даври кечиктирилганлиги ёки ҳайз кўрмаётгани ҳақида хабар берди. Касалликдан сўнг, 8 кундан ортиқ вақт давомида ҳайз қонашининг ортиқча бўлиши ва

тадқиқот гуруҳида қон йўқотиш ҳажмининг ошиши 38,5% (37) дан 61% гача (59) ( $p < 0,05$ ) кўтарилди. Аёллар назорат гуруҳида 36% (18) ҳайз тартибсизликлари ҳақида хабар берди, ҳайз қон йўқотиш ҳажми ва давомийлигидаги ўзгаришлар 30% (15) ва 36% (18) ни ташкил этди ва статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эди (1-расм).

Анамнестик маълумотлар ва тиббий ҳужжатлар асосида тадқиқот гуруҳида экстрагенитал касалланишнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Маълумотлардан кўриниб турибдики (2-жадвал), ўртача ва оғир коронавирус инфекциясини бошдан кечирган перименопаузал аёлларда сурункали касалликлар юқори даражада. Ушбу касалликларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар деярли барча нозологияларда аниқланди.



**1-расм Текширилган аёлларда касалликдан олдин ва кейин ҳайз давомийлиги ўзгаришини қиёсий баҳолаш**

Анамнестик маълумотлар ва тиббий ҳужжатлар асосида тадқиқот гуруҳида экстрагенитал касалланишнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Маълумотлардан кўриниб турибдики (2-жадвал), ўртача ва оғир коронавирус инфекциясини бошдан кечирган перименопаузал аёлларда сурункали касалликлар юқори даражада. Ушбу касалликларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар деярли барча нозологияларда аниқланди.

Юрак-қон томир касалликлари энг кенг тарқалган эди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжуд эди -  $p=0.002$ , бу тадқиқот гуруҳидаги ҳар иккинчи беморда ва таққослаш гуруҳидаги ҳар тўртинчи беморда содир бўлди. Ушбу гуруҳдаги касалликлардан гипертония устун келди (тадқиқот гуруҳида 63,5%, назорат гуруҳида 24,0%). Асосий гуруҳ аёлларида анча тез-тез коронар артерия касаллиги ва сурункали ангина мавжудлиги кузатилган.

Гуруҳлар ўртасида семириб кетиш ҳолатларида статистик жиҳатдан мазмунли фарқ ( $p=0.001$ ) аниқланди. Шу билан бирга, ҳар икки гуруҳ ўртасида нафас олиш касалликлари билан касалланиш бўйича фарқлар аниқланди. Икки гуруҳ ўртасида статистик фарқ ( $p=0.001$ ) ва асаб тизими касаллиги билан касалланишда гуруҳлараро статистик фарқ ( $p= 0.001$ ) мавжуд эди.

Шундай қилиб, тадқиқот гуруҳларида экстрагенитал патологияни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, сурункали соматик касалликлар тадқиқот гуруҳидаги беморларда тез-тез аниқланган ва коронавирус инфекцияси бўлмаган беморларга нисбатан деярли барча нозологияларда статистик жиҳатдан мазмунли фарқларга эга эди. Шуни таъкидлаш керакки, коронавирус инфекцияси билан оғриган аёлларда бир нечта сурункали экстрагенитал касалликлар комбинацияси бўлган.

## 2-жадвал

### Тадқиқот ва назорат гуруҳларида экстрагенитал касалликларнинг қиёсий кўрсаткичлари (анамнез)

Экстрагенитал касалликлар	Асосий гуруҳ n=96 abc (%)	Кузатув гуруҳ n=50 abc (%)	P
Юрак ишемик касаллиги	37 (38,5)	5 (10,0)	<0,001*
Гипертония касаллиги	61 (63,5)	12 (24,0)	< 0,001*
Цереброваскуляр касалликлар	7 (7,29)	0	0,096
Қандли диабет	24 (25,0)	4 (8,0)	0,013*
Жигар ва оът пуфаги, оът ёъллари ва ошқозон ости беzi касалликлари	59 (40,1)	11 (22)	<0,001*
Варикоз касалликлари	34 (35,4)	5 (10,0)	< 0,001*
Сийдик тизими касалликлари	53 (55,2)	10 (20,0)	< 0,001*
Нафас олиш тизими касалликлари	22 (22,9)	4 (8)	< 0,001*
Аллергик касалликлар	37 (38,5)	6 (12)	< 0,001*
Темир танқислиги камқонлик касаллиги	61 (63,5)	18 (36)	0,002*

Изоҳ: \*- Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти ( $p < 0.05$ )

Клиник гуруҳларда тана массаси индексини (ТМИ) таҳлил қилиш арифметик воситаларда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни кўрсатди: ўрганилаётган гуруҳда аёлларда нормал тана вазнига эга бўлиш эҳтимоли 3,4

баравар кам ва семиз бўлиш эҳтимоли 2,2 баравар кўпроқ бўлган ТМИ =  $29,91 \pm 0,56$  кг/м<sup>2</sup> (M±m) ва назорат гуруҳида -  $25,51 \pm 0,43$  кг/м<sup>2</sup> (P< 0,001 \*).

Иккала гуруҳдаги беморлар ҳам перименопаузал бўлиб, ҳаётнинг ушбу даврига хос шикоятларга эга эдилар. Климактерик синдромнинг клиник кўринишини ҳисобга олган ҳолда, унинг клиник вариантларини аниқлаш ва унинг зўравонлик даражасини аниқлаш учун "Грин климактерик шкаласи" климактерик ўлчов қўлланилган, бу сизга ҳар бир симптомнинг оғирлик даражасини алоҳида-алоҳида аниқлаш имконини беради.

Грин шкаласи субъектив ҳис-туйғуларга асосланган аёлларнинг ҳаёт сифатини баҳолашдир. Шу муносабат билан биз респондентлардан ҳаётнинг икки даврида саволларга жавоб беришларини сўрадик: касалликдан олдин ва касалликдан кейинги текширув пайтида. Олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, касалликдан олдин барча аёллар менопауза касалликларининг баъзи аломатларини бошдан кечирган, энгил ва оғир КС 79,2 ва 20,8% ни ташкил этган.

### 3-жадвал

#### Грин шкала бўйича менопауза синдромининг зўравонлигини таққослаш гуруҳлари бўйича баҳолаш

Грин шкаласи бўйича касаллик даражаси		КС йўқлиги	Энгил даража	Оғир даража	Ҳаммаси
		0-11 баллар	12-34 баллар	35-58 баллар	
Асосий гуруҳ (СОВИД-19 касаллигидан олдин) n=96	Абс/%	0	76 (79,2%)	20(20,8%)	96 (100)
	Баллар M±m	0	29,05±0,4	45,7±0,7	30,55±0,7
Асосий гуруҳ (СОВИД-19 касаллигидан кейин) n=96	Абс/%	0	3 (3,13)	93 (96,9)	96 (100)
	Баллар M±m	0	31,00±1,3*	48,01±0,66*	48,3±0,74*
Кузатув гуруҳи n=50	Абс/%	0	45 (90)	5 (10)	50(100)
	Баллар M±m	0	25,18±0,69#	44,4±3,06	27,1±1,07^ ##

Эслатма: \* - касалликдан олдин ва кейин оғирлик даражасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (\*- p< 0,001); ^ - касалликдан олдинги ва назорат гуруҳлари оғирлик даражасидаги маълумотларнинг ишончлилиги (^- p 0.05); #- касаллик ва назорат гуруҳларидан кейин маълумотларнинг ишончлилиги (#- p < 0,05; ##- p < 0,001).


Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар 4-6 ой давомида 90 ва 10% ни ташкил қилди. Менопауза касалликларининг мавжуд белгилари кичик ўзгаришларга учради. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳар иккала гуруҳда ҳам КС аломатлари йўқлиги ҳақида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд эмас, бу берилган саволларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, менопауза бузилишларининг оғирлиги Купперман-Уварова менопаузал индекси бўйича баҳоланди. Ушбу ўлчов нейровегетатив ва психо-эмоционал аломатлар билан бирга метаболик касалликларни

баҳолашни таъминлаганлиги сабабли, ушбу тест дастлабки текширув вақтида ҳолатни ретроспектив баҳолашсиз ўтказилди.

Олинган маълумотларнинг умумлашуви шуни кўрсатадики, тадқиқот гуруҳида нейровегетатив, метаболик ва психоэмоционал касалликларнинг коэффициентлари назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори. Коронавирус инфекцияси бўлган аёлларда ўртача менопаузал индекс (ММИ) қиймати менопауза синдромининг оғир даражасини кўрсатди, назорат гуруҳида эса ўртача ММИ қиймати енгил ва ўртача оғирлик чегарасида эди. Текширилган аёлларда ўзгартирилган Купперман-Уварова менопауза индексига кўра базовий жиддийлик кўрсаткичларининг натижалари 2-расмда келтирилган.

Перименопаузал беморларнинг шикоятлари ҳар хил, аммо "исиб кетишлар" деб номланувчи аломатлар энг характерли шикоятлардир. Суҳбат давомида ушбу аломатлар иккала гуруҳдаги беморларда ҳам аниқланганлиги аниқланди. Тадқиқот гуруҳида симптомлар сўровда қатнашган беморларнинг 96 (100%) да кузатилган ва улардан 68 (70,8%) аёллар COVID-19 дан кейин биринчи марта исиб кетишни кузатган. Беморларнинг назорат гуруҳида 24 (48%) беморда исиб кетишлар кузатилган.



## 2-расм Таққослаш гуруҳларида ўзгартирилган Куперман-Уварова менопауза индексига кўра КС нинг жиддийлиги кўрсаткичлари

Юқори қон босими, бош оғриғи, чарчоқнинг кучайиши, хотира бузилиши ва бошқа когнитив бузилишлар каби аломатлар ўрганилаётган гуруҳнинг барча 96 беморида (100%), назорат гуруҳида жисмоний ва ҳиссий стресс пайтида қон босимининг ошиши 39 (78%) беморда, 45 (90%) беморда бош оғриғи, 39 (78%) да суяк ва қўшма оғриқлар аниқланди. Натижаларга кўра, аниқланган касалликларнинг оғирлиги бирга келган касалликларга боғлиқ эди.

Нейровегетатив, метаболик-эндокрин ва психоэмоционал аломатларнинг жиддийлигини умумий баҳолаш ўзгартирилган менопауза индексига асосланган нукта тизими ёрдамида амалга оширилди.

Менопауза белгилари оғирлиги бўйича қуйидагича таснифланди: енгил - 12 дан 34 баллгача; ўртача – 35 баллдан 58 баллгача; оғир - 58 баллдан юқори. Барча беморларда нейровегетатив аломатлар устун бўлган.

COVID-19 билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида нейровегетатив симптомларнинг ўртача кўрсаткичи  $32,76 \pm 0,61$ , таққослаш гуруҳида -  $20,18 \pm 1,07$  (мос равишда  $0,001$   $p < 0,001^*$ ). Тадқиқот гуруҳида метаболик-эндокрин (метаболик) симптомлар  $10,80 \pm 0,29$ , таққослаш гуруҳида –  $6,22 \pm 0,51$  ( $p < 0,001^*$ )ни ташкил этди.

Иккала гуруҳда ҳам психо-эмоционал синдромнинг жиддийлигини ўрганиш жараёнида асосий гуруҳ беморлари кўпинча тез чарчаш, либидонинг пасайиши, кўз ёши пасайиши ва иш фаолиятининг пасайиши аниқланди. Тадқиқот гуруҳида психо-эмоционал аломатлар  $15,45 \pm 0,24$ , назорат гуруҳида -  $9,30 \pm 0,63$  ни ташкил қилди.

Текширилган аёлларда ўзгартирилган Купперман-Уварова менопауза индексига мувофиқ гуруҳ белгилари 4-жадвалда батафсил келтирилган.

#### 4-жадвал

### ММИ Купперман-Уварова бўйича симптомлар солиштирилган гуруҳдаги беморларда

ММИ Куперман ҳар бир тизим бўйича	Асосий гуруҳ n=96 M±m	Кузатув гуруҳи n=50 M±m	P
Нейровегетатив симптомлар (КС 10-20 енгил; 21-30 ўрта; 31 оғир)	$32,76 \pm 0,61$	$20,18 \pm 1,07$	$< 0,001$
Метаболик симптомлар (КС 1-7 енгил; 8-14 ўрта; 14 ва баланд оғир)	$10,80 \pm 0,29$	$6,22 \pm 0,51$	$< 0,001$
Психоэмоционал симптомлар (КС 1-7 енгил; 8-14 ўрта; 14 ва баланд оғир)	$15,45 \pm 0,24$	$9,30 \pm 0,63$	$< 0,001$
Ҳаммаси	$58,71 \pm 0,98$	$36,74 \pm 2,01$	$< 0,001$

Беморларни ултратовуш текшируви натижаларига кўра турли гинекологик касалликлар аниқланди, уларнинг пайдо бўлиши кузатув ва назорат гуруҳларида баҳоланди. Тадқиқот гуруҳи беморларида эндометриал ҳолат М-ЭХО нинг энг муҳим параметрлари - қалинлиги (олдинги-орқа ўлчамлари) ва тузилиши билан баҳоланди. Ултратовуш текшируви ўрганилаётган гуруҳда гинекологик касалликларнинг назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ эканлигини аниқланди, бу эса тадқиқот гуруҳида беморларни ушбу касалликларнинг ривожланишига мойил қиладиган коморбид фон мавжудлигини кўрсатиши мумкин.

Диссертациянинг «Коронавирус инфекциясидан кейинги перименопаузал даврдаги беморларда баъзи лаборатория параметрларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида коронавирус

инфекциясидан кейинги аёлларда гормонал ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши акс эттирилган.

